

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси



## МУАЛЛИМА, МУРАББИЯ, ОНАХОН

А. МАВЛОНОВ олган суратлар

Пойтахтимиздаги 101-кар болалар махсус мактаб-интернати ўқитувчиси, “Халқ маорифи аълочиси”, “Фидоий ўқитувчи”, “Катта ўқитувчи” унвонлари совриндори Машхура Содиқова билан суҳбатимиз инсонийликка хос жамики азиз туйғулар ҳақида бўлди.

**- Машхура опа, халқимиз орасида ўзингдан уч-тўрт кўйлакни олдин йиртган одамнинг гапига кулук сол, деган гап юради... Айтинг-чи, сиз...**

- Инсонни юзага чиқарадиган, уни камолга етказадиган омил бу - меҳнат. Меҳнат инсонни улуглайди. Мен ҳаётимда доим мана шу қоидага амал қилиб яшадим.

**- Инсондаги қайси фазилатларни кўпроқ қадрлайсиз?**

- Ҳаромдан, ҳаром луқмадан ҳазар қиладиган пок инсонларни ҳурмат қиламан. Айбини бўйнига ола билишлик ҳам олижанобликдир. Айбини тан олган ва уни қайта такрорлашликка ҳаракат қилиб, тўғри йўлдан кетган одамларни эъзозлайман. Босиқликни, вазминликни қадрлайман.

**- Опа, мана сиз устозсиз. Ўттиз беш йилдан бери кар-болалар махсус мактаб-интернатда дарс берар экансиз. Сиз сабоқ бера-**

**ётган болалар билан ишлаш, уларга билим бериш инсондан катта сабр-тоқат, фидоийликни талаб қилса керак-а?**

- Бу мактабда менинг раҳматли қайнотам Абдуманноп Дўстмуҳаммедов узок йиллар ишлаганлар. Кар ва забонсиз болалар учун “Алифбо”, “Ўқиш” китоблари ёзганлар. Шунданми, бу даргоҳ меън учун жуда муқаддас.

**- Минг афсуски, биз истаймизми, йўқми ҳаёт-да! Нуқсонли, ногирон болалар бор. Ҳар сафар шундай болаларни кўрганда кўнглингизда нималар туяйсиз?**

- Аввало яратган эгамга шуқроналикни, кейин шу болаларга нисбатан меҳр-шафқат сўрайман. Ўзим раҳбарлик қилаётган синфда опа-сингил қизлар ўқишарди. Уларни мактабга ёши каттароқ чол киши ташлаб келарди. Эътибор билан қарасам, болалар бир ҳолатда: кийимлари дазмолсиз, кўйлаklarининг тугмалари тушган... Қизларнинг оилавий аҳволини, ота-онасини суриштирдим. Маълум бўлишича, уларнинг ота-онаси бир-бири билан ажралиш арафасида, она бўлмиш болаларни ташлаб, кўч-кўронини кўтариб отасиникига кетиб қолган экан. Уларга қараб туриб юрагим ачишди. Бир куни бирга ишлайдиган ҳамкасабамга “дардимни” айтдим. “Эй опа, шунгайи сиқиласизми”, - деди суҳбатдошим. - Бу қизларни мен ўзим фарзандликка оламан. Бешта қизим ет-

тита бўлади, нима қилибди? Отаси келса айтинг, розилик берса бўлди...”

Ҳафтанинг охирида қизларини олиб кетгани отаси келди. Мен боъги гапни тайинлаб, қизларнинг онасини чақиртирдим. Эртасига қизларнинг онаси югуриб келди. Туппа-тузук аёл экан. Роса койидим. “Болаларни шу аҳволда ташлаб кўйгани уялмайсизми? Қарамасангиз нега дунёга келтирдингиз? Сизга бола керак бўлмаса оладиган одам бор”, - дедим. Она зор йиғлаб кечирим сўради. Эртаси куниёқ кўч-кўрони билан қайнотасиникига қайтиб келди. Пировардида, бузилаётган оила ҳам тикланди.

Опа билан суҳбатимиз давомида беихтиёр ёдимизга мактаб-интернат директори Мэлс Султонованинг у киши ҳақидаги айтган гаплари тушди.

- Машхура Содиқова билан биз доим фахрланамиз. Зеро, мактабимиздаги барча яхши ишлар: тикувчилик, пазандчилик тўғаракларининг жонланишида, спорт турлари-



Машхура Содиқова ҳамкасблари - Дилфуза Садриддинова, Манзура Иброҳимова, Василя Каюмова билан.

нинг юксалиши ва бадий ҳаваскорлик гуруҳларининг ютуқларида бутун жамоамиз аъзолари қатори ажойиб муаллима, меҳрибон мураббия, фидоий онахонимизнинг ҳам салмоқли улушлари бор...

**- Машхура опа, биз сизни муборак 60 ёшингиз билан чин юракдан кутлаймиз. Болаларингизни роҳатини кўринг. Эзгуликлар сизни сира-сира четлаб ўтмасин.**

Суҳбатдош:  
Н. АННАЕВА

# САЙЛОВ - БАРЧАМИЗГА СИНОВ!



Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис ва ҳокимиятнинг маҳаллий вакилилик органлари депутатлигига сайлов олди тайёргарлиги суръатлари кун сайин авж олмақда. Бу жараён ўз интихоси сари яна бир муҳим довол ошди: депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш босқичи ниҳоясига етиб, эртадан бошлаб уларни тарғибот-ташвиқот қилиш ишлари бошланади.

## ЗАМОН ТАҚОЗОСИ

Сайлов жараёнининг муҳим вазифаларидан бири - сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар учун тенг шaroитлар яратилишини таъминлашдан иборат. Ўзбекистонда таркиб топган мустақил сайлов комиссиялари тизими, яъни Марказий сайлов комиссиясидан то участка сайлов комиссияларигача бўлган тизим ҳам кўп жиҳатдан ана шунга қўмақлашади.

"Адолат", "Ватан тараққиёти", "Фидокорлар", "Миллий тикланиш", Халқ демократик партиялари мамлакатимиз сиёсий ҳаётида, шу жумладан бугунги сайлов жараёнида фаол иштирок этмоқдалар. Халқ фаровонлигини юксалтиришга, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини оширишга қаратилган муштарак мақсадли бу сиёсий партиялар ўз фаолиятлари

да ўзларига хос иш шакллари ва услубларини қўлламоқдалар.

Шуниси эътиборга лойиқки, бу галги сайлов жараёнида Аёллар йилида ўтмоқда. Зеро, бу йил Республикада хотин-қизларнинг сиёсий фаоллиги кучайиб, ҳуқуқий саводхонлиги янада ошганлиги кузатилди. Бугунги кунда улар ўз номзодларини ўзлари кўрсатиш ҳуқуқидан ҳам фаол фойдаланаётганлигининг боиси шунда.

Дарвоқе, кучли ижтимоий сиёсат давлатимизнинг асосий устуворликларидан бири аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеида ижобий ўзгаришлар ясашни кўзда тутди. Шу тўғрисида Олий Мажлисининг, ҳокимият маҳаллий вакилилик органларининг янги таркибига аёллар ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ бўлиши - замон тақозосидир.

Шу боиски, бугунги кунда Олий Мажлисдан тортиб то Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларигача бўлган барча вакилилик органларига депутатликка кўрсатилган хотин-қиз

номзодлар асосан педагог, шифокор, олимпиада, хизматчи ва тадбиркорлардир. Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш заруриятидан келиб чиқиб, ҳуқуқшунос хотин-қизлардан ҳам анчагина номзодлар кўрсатилган.

Депутатликка номзод қилиб кўрсатилган аёлларга сайловолди дастурларини белгилаб олишда, сайловчилар билан учрашувлар ташкил этишда, уларни керакли ахборотлар билан таъминлашда, сайловолди ташвиқотини ўтказиш ишларида сиёсий партиялар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталари ҳар томонлама ёрдам берадилар.

**Валида СОДИКОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси котибияти  
Назорат-ахборот  
бўлимининг катта референти

## АССАЛОМ, БИРИНЧИ КУРС!

ТошДУ Маданият саройида "Ассалом, биринчи курс" мавзуида ажойиб тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир Республика мадҳияси билан очилди. Университет ректори Т. Долимов, Ўзбекистон халқ артисти З. Муҳаммаджонов, хоржий филология факультети талабаси Озода Шариповалар биринчи курс

талабаларини "Олтин даврлари" билан табриқлаб, оқ йўл тилдилар.

"Садаф", "Шоввозлар" гуруҳлари эса дилрабо кўшиқ ва ичакузди ҳангомалар ижро этиб, кечага файз бағишлашди.

**Навбахор БОБОҚУЛОВА,**  
ТошДУ журналистика  
факультети

## ЎЗБЕКИСТОН:

### ЯНГИЛИКЛАР - ВОКЕАЛАР КЎЗГИДА

● 29 октябр куни Оксаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга Малайзия мамлакати, Эрон Ислон Республикаси ҳамда Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги факуллода ва мухтор элчилари - Яхё бин Абдужаббор, Хусайн Нарохиён, Артур Пуга Ишонч ёрликларини топширдилар.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган барча

сиёсий партиялар, ҳокимият вакилилик органлари ва ташаббускор гуруҳлар томонидан тавсия этилган номзодларни рўйхатга олиш ҳамда тегишли қарор қабул қилиш ишлари ниҳоясига етди. Эрта-индин уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади ва сайловолди жараёнидаги навбатдаги муҳим босқич - тарғибот-ташвиқот ишлари бошланади.

● Республика "Маънавият ва маърифат маркази"нинг ташаббуси билан Тошкент вилоятидаги ҳарбий бўлинмалардан бирида "Жалолдин Мангуберди ибрати" мавзуида учрашув бўлиб ўтди. Учрашув сўнггида бадиий ҳаваскорлик жамоаси ўзларининг қувноқ кўшиқ ва рақслари билан жангчиларни хушнуд этди.

● Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг навбатдаги

## "МЕН" КИМ, ДЕПУТАТ КИМ?

Пойтахтимизнинг 1-Саноат сайлов округи комиссияси учун ажратилган бино бугун ҳар қачонгидан гажум. Комиссия аъзолари дам сайин келиб-кейтиб турган сайловчилар билан қизгин мулоқотда. Уларнинг бири билан суҳбат курамаиз.

- Сайловдан мақсад нима?
- Сайлов - бу элим деб, юртим деб жон куйдирувчи, бошқача айтганда, халқимиз ҳаёти ва юртимиз ривожини учун бор куч-гайратини бахшишда этувчи кишиларни саралаш йўлида ўтказиладиган сиёсий тадбир...
- Уша сараланган - сайланган одамлар нима ишлар қила олади?
- Масалан, мен сайлаган одам, яъни бўлажак депутат эртага ҳукуматимиз таркибини танлаши ва мамлакатимиз қонунлари мажмуини яратишида Парламентда ваколатли ҳуқуққа эга...
- Дейлик, Сиз муқобил номзодлар орасидан бирор ижодкор ёки олимни танлаб овоз берсангиз-у, у киши қонунлар мажмуини яратишда етарли ҳуқуқий билимга эга бўлмасачи?

- Қонунлар мажмуини фақат ҳуқуқшунослар яратмайди. Унинг вужудга келишида мен танлаб овоз берган ўша ижодкор ёки олим (ёхуд бошқа касб эгаси) Парламентда менинг қизиқишларим ва менинг манфаатларимни ҳам ифода этади. Ҳоҳида муайян бир соҳа бўйича қабул қилинажак қонунда мана-ман деган ҳуқуқшунос ҳам илғаб ололмаган жиҳатларни шу соҳага дахлдор бўлган мутахассис, ёинки оддий бир фуқаро ҳам илғаб қолиши мумкин. Шундай кезда (масалан, мен) ўз фикр-мулоҳазамини Парламентдаги депутатимга айтаман ва у менинг Олий Мажлисдаги ваколатли вакилим сифатида билдирган барча таклиф, истак ҳамда мулоҳазаларини қонун матнларида ифодалаб беради. Зеро, менинг вакилим - зукко маънавиятга, юксак салоҳиятга, чуқур билимга эга идрокли инсон бўлиши керак.

- Бундай инсонлар юртимизда кўп дейсизми ёки оз?
- Кўп. Улар осмонда юлдузлар бесаноқ бўлгани каби Мустақил Ватанимизда ҳам бесаноқ...

Суҳбатдошимизнинг бу жавоби бизга шу кезда гўё мана бундай янги роқ сатрлардек эшитилди:

**Осмонда юлдузлар бесаноқдир,  
Ҳисобига на сон етар, на рақам.  
Худди шундай эмасми, бу Ватанда -  
Юлдуз каби порлаганлар сони ҳам?!**

...Беихтиёр суҳбатдошимиз тез-тез ишлатган "мен" ибораси диққатимизни тортиди. Айниқса унинг: "Мен сайловчиман... Мен Конституция билан кафолатланган ҳуқуқимга кўра энг олий орган - Мамлакатимиз ҳукумати - Парламент аъзоларини саралайман, сайлайман... Мен танлаган депутат эндиликда Шўро давридагидек, кўприк қуриш, дўконча очиш, асфалт ётқизишдек майда юмушлар билан шугулланувчи дастёр эмас, балки халқ манфаатларини қонунларда ифодалай олиш қобилиятига эга инсонпарвар инсон бўлади", - деган сўзлари бизни унга яна бир савол беришга ундади.

- Биродар, эртадан бошлаб Олий Мажлис депутатлигига муқобил номзодларни тарғибот-ташвиқот қилиш тадбирлари бошланади. Сиз бу борада нима деган бўлардингиз?

- 5 декабрда Мамлакатимиз Олий Мажлиси депутатлигига ва 2000 йилнинг 5 январида Республикада Президентлигига ўтказиладиган сайловларда барча юртдошларимни яқдил, яқкифт бўлиб Ватанимизнинг энг асл, энг сара фарзандлари учун овоз беришга ҳай-ҳайлаб чақираман...

Гурундошимиз ўз сўзида кўп ишлатган "Мен" ва у энг сўнггида тилга олган "ҳай-ҳайлаб" иборалари замирида наздимизда академик шоиримиз Фафур Фулом гўё бугун ҳам жўшиб-тошиб ҳайқираётгандек туюлди:

**Бок, нақадар салоҳият бор менда!  
Мен энг олий ҳукуматни сайлайман,  
...Ҳаммани бу сайловга ҳай-ҳайлайман!  
"Мен" деганим - миллионлардан бир нафар,  
"Мен" деганим - миллион "биз"дан бир ўрнак,  
Ҳар "Мен" буюк жамоатнинг фарзанди,  
Ҳар "Мен" берар миллион-миллиондан дарак...**

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси, Комиссия раиси Д. Фуломов олиб борди. Шоира номидаги Давлат мукофотига номзодлар тавсия этиш юзасидан Тошкент шаҳар, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари хотин-қизлари кўмиталарининг раислари ва ўринбосарларининг ҳисоботлари тингланди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

● "Ўзэксломарказ" ва Словакия Республикаси кўргазмаси очилди. 1997 йилдан буён мамлакатларимиз ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик ва эришилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи павильонлар томошабинлар билан гажум. Кўргазма 6 ноябрга қадар давом этади.

● Жиззах вилоятида Зарбдор тумани ихтидорли болалар лицей-интернатининг инглиз тили муаллимаси Шохида Йўлдошева Ўзбекистон-Америка ҳамкорлик ташкилоти (АКСЕЛК) томонидан ўтказилган Республика кўрик-танловининг ғолибаси бўлди. Муаллима 2200 АҚШ доллари қийматига эга қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланиб, Американинг Монтана штатида ўтказиладиган Халқаро семинар иштирокчиси бўлиш ҳуқуқини қўлга киритди.

● Фарғона вилояти ўлкашунослик музейида буюк олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1250 йиллик юбилейига бағишланган "Аҳмад Фарғоний даврида Фарғона" мавзуида кўргазма очилди.

# ОИЛА - МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ БЎЛДИ

Республика "Оила" илмий-амалий Маркази директори  
Ойниса Мусурмонова билан суҳбат

**- Ойниса опа, икки оғиз ўзингиз бошчилик қилаётган Марказ, унинг мақсад ва вазифалари ҳақида гапириб берсангиз.**

Мамлакатимизда оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳар томонлама муҳофаза этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Республика "Оила" илмий-амалий Марказининг ташкил этилиши ана шу сиёсатнинг амалий натижаларидан биридир. Марказ ўз олдига кўйган асосий вазифалардан бири оила фаровонлиги йўлида олиб борилаётган давлат сиёсатини ҳаётга тадбиқ этиш, яъни оилани ижтимоий, иқтисодий манфаатларини давлат томонидан туриб илмий ўрганиш, таҳлил этиш, уни мустақамлашнинг илмий назарий асосларини ишлаб чиқиб уни амалий ҳаётга тадбиқ этишдан иборат.

**- Марказ ўз иш фаолиятини қай йўсинда олиб боради?**

Марказ фаолияти уч йўналишда ташкил этилган. Яъни, биринчи йўналиш оила демографияси, оила психологияси, оила ҳуқуқи, оила маънавияти, оиланинг тиббий-биологик асослари масалалари юзасидан илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Иккинчи йўналиш амалий бўлиб марказимиз ходимлари томонидан республикада оилаларига яққа тартибда кириб бориш орқали уларга оила муаммолари бўйича илмий-методик тавсиялар, мутахассис маслаҳатларини бериш, мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда инсонпарварлик ёрдами уюштиришдан иборатдир. Учинчи йўналиш бўйича эса оила, оналик ва болалик ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича Президентимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар асосида аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боришдан иборатдир.

**- Марказ пойтахтда жойлашган бўлса, вилоятлардаги чекка қишлоқларнинг ҳар бирига кириб чиқишга қандай улгурасизлар?**

Марказимиз ташкил этилганига бир ярим йил бўлган бўлса, мана шу давр ичида биз 9 та вилоятда 1000 дан ортиқ хонадонларда бўлиб суҳбатлар-социологик тадқиқотлар ўтказдик. "Оила кутубхонаси" сериясида методик тавсиялар, рисоалар, дастурлар, мўъжаз буклетлар ишлаб чиқиш, юзлаб давра суҳбатлари, семинар уюштурувлари ўтказиш имконига

эга бўлдик. Шунинг билан бир қаторда Марказнинг вилоятларда ҳам бўлимлари ташкил этилган. Бу ишга Марказнинг жамоатчилик ходимларини ҳам жалб этмоқдамиз. Марказимизда оилашунос психолог ва педагоглар тайёрлаш мақсадида аспирантура очилди.

**- Ойниса опа, хизмат юзасидан кўп оилаларда бўласиз, кузатасиз. Оилавий жанжаллар, ёш оилаларнинг бузилиши ҳақида қандай фикрдасиз?**

Биласизми, ўйлаб қолсан киши, мана шу ажралишлар, кўйди-чикдиларнинг бош айбодори - биз катталар, ота-оналар эмасмикан. Қизимизни сал бўйи чўзилса, тезроқ уни узатиб, "кутулиш" пайига тушиб қоламиз, ўғлимизни тезроқ уйлантиргимиз келади. Улар мустақил оила қуришга моддий ва маънавий тайёргина ёки йўқми бунга ўйламаймиз. Қизимиз рўзгор тутишини эглай оладими, ўғлимизнинг касби - қори, қўлида ҳунари борми, битта оилани эглаб боқа оладими, қуввлик, беклик, оталик бурчинини ҳис қиладими, буниси билан қизикмаймиз. Бир донишманд: "Уйланиш-ўз ҳақ-ҳуқуқларини икки маротаба қамайтириш ҳисобига ўз бурчларини икки маротаба ошириш демакдир", - деган экан. Кўпинча мана шу бурч, масъулиятнинг унутилиши оилавий ажралишларнинг юз беришига сабаб бўлмоқдаки, бунга ҳар бир ота-она ич-ичидан ҳис қилиши керак.

**- Оиланинг тинч-тотув бўлиши кўпроқ аёл кишига боғлиқ, дейишади... Қизларимизга, аёлларимизга айтадиган гапингиз бўлса...**

Оила, уй-рўзгор юритиш осон эмас. Буям ўзига хос бир санъат. Қайнона-қайнотани хурматини жойига қўя билиш, эркакни кўнглини топа билишлик, қариндош-уруғчилик борди-келдирини, қўни-қўшничилик олди-бердирини жойига қўя билишлик... Ёки бўлмасан уйда борини эглаб мазали таом тайёрлай билиш ҳам, ярашиқ кийимлар кийиб, гўзал бўлиб юриш ҳам, озода, покиза уй тутиш ҳам бир санъат. Аёллар ана шу "санъат"ларни мукамал эгаллаган бўлсаларгина ўзлари орзу қилган "бахт"га эгалик қилишлари мумкин. Акс ҳолда...

**- Ойниса опа, қайнона-келин ўртасидаги келишмовчиликлар ҳам баъзан ёш оилаларнинг бузилишига сабаб бўлади. "Бизнинг қайноналар ҳаммиса ҳам келинга нисбатан адолатлимилар?"**

Қайнона - келин ўртасидаги муносабатлар жуда ҳам нозик, эҳтиёт талаб қиладиган муносабатлардир. Айтилик, сиз бирорнинг гулдек боласини келин

қилиб олдингиз. Ҳали рўзгорни пасту баландини тушунмасидан ўн бешга яқин жон яшайдиган қатта хўжаликнинг бор юмуши, ташвишини биргина келинга ташлаб қўйишингиз инсофданми? Қизингиз ўқидан келиб уйга дам олгани кириб кетса, келинга мумкин бўлмаса. Қуни билан тик оёқда юриб хизматингизни қилган иккиқат келиннингиз кечга бориб чарчаб, бехол турганини кўрсангизда қўрмасликка олсангиз, энди сиз уйингизга кириб дам олақолинг, идиш-товоқларни қайинсингизнинг ювиб олади, демасангиз. Келин челақларни тўлдириб сигир-бузоқларга сув ташиса, томорқадаги сабзиларни ўтқоқ қилса, қайнилари магнитфонни овозини баланд қилиб қўйиб, оёғини узатиб ётса... ёки нозиккина хотинига раҳми келиб гиламинини қоқишиб юборган ўғлингизга бу хотиндан кўрқадими, деб ёмон қарасангиз, бу келинга нисбатан адолатсизлик эмасми? Бу бировни боласини хўрлаш эмасми? Ёки келинга бир кўз, болаларингизга "бошқа" кўз билан қараганингиз эмасми? Келиннига "чўри"-га қарагандай бундай қайнонани мен тарозисининг посангисини атайлаб нотўғри қўйган тарозибонга ўхшатаман. Ўша бировнинг ҳақидан кўрқмайдиган тарозибоннинг гуноҳи билан дилозор, шафқатсиз қайнонанинг гуноҳи баб-баравардир.

Албатта қарс икки қўлдан чиқади. Бу ўринда келиннинг ҳам қайнона ва қайнота олдидаги бурч ва вазифалари бор. Шуларни беками-қўст бажарган келингина қайнона-қайнотанинг хурматига сазовор бўлади, шу оиланинг тезда ҳақиқий азвосига айланади. Келин ҳам қайнона учун бир фарзанд, Демак, фарзанд билан ота-она ўртасида меҳр-муҳаббат абадий ва мустақам бўлмоғи лозим.

**- XXI аср оиласини қандай тасаввур қиласиз?**

Маънавият - икки дунёни саодатга элтувчи бешиқдир. XXI аср ОИЛАСини мен ҳар томондан камолга етган маънавий бой, унда дунёга келиб, камол топадиган инсонларни камил шахс сифатида кўргим келади. Илоҳим ҳар биримиз мана шу ажойиб юртимизга муносиб фарзандлар бўлайлик, унинг гуллаб-яшнаши учун ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшаверайлик.

**- Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат.**

Нафиса АННАЕВА

## АЛПОМИШ

(Боши ўтган сонларда)

Мазмуни

У билан гаплашиб, Бойсарининг хор бўлгани, Барчинининг қалқол алплар талашиде қолгани, ўзининг эса айна вақтда етиб келганини билди: олти ойлик муҳлат эртага тўлар экан.

Алпомиш яна дамини олиш учун Қайқубоднинг қўшонасига кўнди-ю, уйқусида яна туш кўрди. Нуруний бир зот тепасида турган эмиш.

- Таниб олгин, расул пайғамбарингман,

Умнатларни мудом йўлга солурман. Гамингда отланди Шохимардон пирлар, Ғайратингдан бўзлаб кетар қалқолар, Ҳеч қим бўлмас сенинг билан баробар, Сенга тақдир қилар Барчин зулфакдор... Ажабки, шу пайтда Барчиной ҳам ўзи кўрган янги тушини канизи Сўқсурга айтаётди:

... Қйла бетда бир ой туғиб келади, Ойнинг гирдин тўртта юлдуз олади. Тушининг тадбири қандай бўлади? Сўқсур:

- Қйла бетдан бир ой туғиб келсалар, Ой эмасдир, ул расули пайғамбар. Ой гирдинда тўртта ёруғ юлдуз бор, Юлдуз эмас, тўрт чориёр муқаррар... Тушининг тадбири шундай бўлади, Эртан чошгоҳ қайсар тўранг келади...

Ниҳоят, Алпомиш яна йўлга тушди. Бор-бора бу ёқ билан у ёқни ажратиб турган бир улкан тепаликка рўпара бўлди. Бул тепа-Муродтепа деб аталар, устидан қуш ҳам учиб ўтолмас, шу қадар юксак эди. Алпомиш ирим қилиб: "Шу тепага отимни солайин, инқилламай тепага чиқиб кетса, ёримни оламан. Чиколмаса, армонда қоламан..." деб ўйлаб, Бойчиборни қичаб ҳайдади.

Бойчибор тулпорлар зотидан эмасми, тепаликка елиб чиқиб олди. Шунда Алпомиш элини қараса, пастликда ўн минг уйли кўнғирот элининг таниш ўтовлари кўриниб турибди.

Шу пайт йироқдан ўн тўрт отлик кўринди. Бойчибор ҳам сергақлаби тикилиб қолди. Отлиқлар тепаликнинг остига келиб тўхташди. Уларнинг бошлиғи Сурхайл мастоннинг кенжа ўғли Қоражон бўлиб, у ҳам кеча туш кўрган, тушига расулиллоҳ кириб, уни мусулмон қилган, Шохимардон пири камил эса Алпомишини унга обдон таништириб, дўст бўласизлар, дея фотиҳа берган эдики, Қоражон уйқудан қалима айтиб уйғонган, акаларининг "тен-так бўпти бу, мусулмон бўпти бу" дейишларига қарамай маҳрамларини олиб овга чиққан, шу асно Муродтепа пойига келиб қолишган эди.

Қоражон:

- Остингда бедовинг ҳаллослар қушдай, Аччиғинг чиллала музлаган қишдай, Норқалла келгансан, қуйда қўшмушдай, Норқалла полвоним, қайдан бўласан? Жамолинг ўхшатдим осмонда ойга, Қошингни ўхшатдим эгилган ойга, Жасадинг ўхшайди бўз қарчиғайга, Қарчиғай чангаллим, қайдан бўласан? Алпомиш ўзини таништиргандан кейин айтади: - Кўққамиш қўлидан сўқсур учирдим, Сўқсурин излаган лочин бўламан...

Қоражон:

- Учирган сўқсуринг Ойқўл кўнибди, Тўқсон ғажир ўртага об турибди... Оқибат, Қоражон Алпомишини тушида кўргани, у билан дўст бўлганини айтади. Алпомиш уни ёнига чорлайди. Қоражон: "Ҳали бу тепага чиқадиган камолга етмадим", дейди. Алпомишининг ўзи Бойчиборни еталаб пастга тушади.

Улар қучоқлашиб кўришганда, Қоражоннинг етти қобирғаси синиб кетади. Етиб қолган Қоражон: "Шул кўришганингми, ё уришганингми?", деб сурайди. Алпомиш кулиб: "Кўришганим", дейди. Сўнгра бир амаллаб ўридан турган Қоражон Алпомишини меҳмон қилиш учун ўз чодирига бошлаб боради.

Сурхайл мастон Алпомишини кўрибқоқ ёқасини ушлайди ва ўғлини панага тортиб, ундан нолийди: - Қоражон болам-а, бежо қилибсан, Зўр ўзбекни қайдан топиб келибсан,

(Давоми бор)

Филология фанлари номзоди  
Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА тайёрлади



КЎНГИЛ НОМАСИ

# У СИЗНИ СЕВАРДИ...

## Ассалому алайкум азиз Юлдузхон Усмонова!

Аваллом бор соғлиқларингиз яхшими? Қизингиз Нилуфархон яхши юрибдими? Ижодлар билан хормай-толмай юрибсизми? Доимо ижодингизда ва турмушингизга улкан зафарлар тилайман.

Энди менга келсак, ҳамма юртдошларимиз қатори мен ҳам сизни муҳлисингизман. Юлдузхон, Сизга мактуб йўллашимга сабаб қизим Умидадир. Ҳозир у орамизда йўқ. Оллоҳ қизимни ўз хур қизлари қаторига олди. Умидам сизни жон дилидан севади. Фақат сизни қўшиқларингизни айтарди. Юлдуз Усмонова билан албатта учрашаман, мен унга ўхшаган дунёга машҳур қўшиқчи бўламан, дерди. Лекин, афсус у бу дунёга сиғмади. (Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин!)

Умидам 1987 йили 15 декабр куни бу дунёга келганда мени қандай қўвонганлигимни билсангиз эди. Кўрман, уч йўлдан кейин кўрган қизим, ёлғизим эди. Туғруқхонадан чиққанда бутун маҳалла хурсанд бўлганди. Умидамни ҳамма биринчи кўрганда Сизга ўхшатишганди. Мен, албатта Юлдуз опа билан учрашаман дерди. Ниятига етмади. Сизнинг "Бир қизгина ухлайди" деган қўшиғингизни жуда ҳам кўп айтарди. Ҳа, ҳозир ер бардида ухлаб ётибди.

Энди мен Сизга қизимни қандай қилиб бу дунёни ташлаб кетганини айтиб берай.

Умидам 12 июл куни кўчадан чопиб кирди ва ҳовлиқиб, - "Опа бугун нечанчи қислом" деб сўради. "Ҳа, нима қилсан қисломни, бугун 12 июл" десам, қизим индамай қолди. Шу кун мендан сал нарида турадиган синглим бизларни келди. Кейин, бизлар ҳаммаиз унингга кетдик. Оқ шилди синглим, ўтириб эди. Ошдан кейин Умидам ёнимга келиб ўтирди. Оёғим юзюда катта холим бор. Болам келиб менга "Опа менга оёғингиздаги холингни беринг. Бергандан кейин уч маротаба "розиман" деб айтинг", - деди. Шунда мен хом сут эгимда банди, болам ўзи учун розилик олаётганини билмабман. Кейин мен кетаман дедим. "Юр Умида кетдик", - десам, "опа қола-қолайди", - деди. Синглимни Умида билан тенг Наргиза деган қизи бор. "Шу билан эрталаб етиб бораман", - деди. Кузатиб орқамдан чиқибди ва Умидам акиси Дониёрга, - "Ака опамни эҳтиёт қилинг, агар биров бир нима қилса, манави тарвуз билан бошига солинг", - деб акасини қўлга тарвуз тутқазди. Яна кетаётди орқасига қараб "хайр опа" деди. Бу менинг

қизимни охириги марта кўришим бўлди.

Эртасига ўша ердан келаётганида сал наридаги борчадан олма егиси келиб қолибди. Боғча боғидан олма териб қўйини тўлдириб олибди ва труба устидан ўйин қилиб ўтаман деб болам сувга тушиб кетибди. Бошини қаттиқ уриб олганлиги сабабли ҳушини йўқотиб қўйган. Бўлмаса болам сувдан чиқиб кетарди. Чунки, Наргиза "қўлингиз бер" деса, қўл ҳам узатмаган болам. Шундан кейин Наргиза уйимизга чопиб келди ва "Умида сувга тушиб кетди", деди. Ох, мени аҳволимни шу дамба кўрсангиз эди, қандай қилиб биринчи қаватга тушганимни билмайман. Йиқилиб кетиб иккала оёғим синди. Шу синган оёғим билан яна чопиб кетдим. Лекин, ҳеч бўлганди. Умидамни топа олмадим. Майлидир оёқларим узилиб тушса ҳам. Фақат Умидам, ёлғизим тирик қолса бўлди эди. Болам раҳматли 5 кун деганда сувдан топилди. Бир қўшним шифокор. У "Шахло, иложи бўлса болани юзини кўрман, кўрчинчи бўлиб кетади", деган эди. Лекин, болам 5 кун сувда ётсам ҳеч қаерига ҳеч нарса қилмаган, ишмаган ҳам. Оллоҳга беҳисоб шукр бўлсинки, боланимни соғук танасини кўришни мушарраф қилди. Энди боланимни жанозасига йиғилган одамни айтмасам ҳам бўлмайди. Йиғламангиз одам қолмади. Умидамни тобути учиб кетди, учиб... Болам у дунёга жуда ҳам шошиб қолган экан. Қўчаларга қарайман - Умидамга ўхшаган бормикан деб, лекин, ҳар қанча қидирсам ҳам топа олмаганман. Умидамни ёзган ёзувларини кўзларимга суртаман, ётган жойларига бағримни босаман. Қани энди озгина бўлса ҳам бу юрак таскин топса. Йўқ топмайпти. Оллоҳ ўзинг сабр бер, сабрбардош бер, қолган болаларимни шукрини қилай дейман Оллоҳга. Мозорига бордим, гўрлари худди катта одамларникидек. Тўйиб-тўйиб йиғлади. Отаси бечора ҳам адоий тамом бўлди.

Юлдузхон сизнинг "Нозанин-нозиман" деган қўшиғингиз бор. Шу қўшиғингизга клип ишлатибсиз. Шу клипни кўриб мен ҳайрон бўлиб қолдим. Чунки, апрел ойида биз уйда сумалак қилдик. Шунда Умидам билан жияним бу қўшиғингизни фонограммага қилиб клип қилишган. Умидам ҳали Сизни бу клипнингизни кўриб улгурмаганди. Лекин, Сиз қандай қилиб клип қилган бўлсангиз, қизим ҳам худди Сиздек қилиб қилиқлар қилганди. Худди олдиндан билгандек, қизим ўзи бир бошқача хислатли эди.

Қизим сувга тушиб кетганини иккинчи куни акам Хотам анча вақтгача ухлай олмаптилар. Ёнларида худ-

ди Умидам тургандай бўлаверибди. Шунда ўринларидан туриб қўлларига қўз билан рўкча олиб Умидани номидан шеър ёзишга тушибдилар. Ҳазорини шеър эласлар. "Назоримда қизинг менга "тоға, ёзинг" даяётгандай бўлди", дедилар. Биламан, буни Умидам ёздирган. Бу фақат унинг сўзлари. Эшитинг Юлдузхон:

Умида деб ном бердилар,  
Аслида мен жаннат қуши.  
Отам, онам, жигарларим  
Бир зум кўрган ширин туши.

Оллоҳ менга изн берди,  
Жаннатни тарк айладим.  
Учиб келиб онажоним,  
Суюб сизни сайладим.

Озми-кўпми қувонтирдим,  
Гоҳ ташвишлар орттирдим.  
Онажоним рози бўлинг,  
Сизни эрта тарк этдим.

Мен ҳам сиздан ризодирман,  
Буни ўзингиз биласиз.  
Агар фарёд чекаркансиз,  
Мени эзиб қўясиз.

Вақти келиб мен қайтарман,  
Акаларим қонида.  
Қайта руҳим тирилади,  
Набиранинг жонида.

Юлдузхон Сиздан илтимос, агар иложи бўлса шу шеърни ашула қилиб қўйласангиз! Умидамни руҳи шод бўларди. Ҳазорини ҳам сиздан у дунё бу дунё рози бўларди.

Бир кам дунё экан. Оллоҳдан Сизга ва қизингиз Нилуфархонга узоқ умр, тани соғлиқ, бахт ва ҳаммаша омад ёр бўлишлигини тилаб қоламан.

Хур қизим Умидамга, жаннати қушим боламга Оллоҳдан ўз раҳматига олишликни, хур қизлари қаторига қўшишликни насиб этсин.

Умидамга атаб бир Қуръон тиловат қилиб юборасиз, деган умиддаман. Иложи бўлса, менга жавоб хати йўллагансиз.

15 декабрдаги шеърни қўшиқ қиларсиз деб ўйлайман, шу куни қизим 12 ёшга тўлган бўларди. Салом ва эҳтиром билан

ШАХЛО

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар,  
С. Раҳимов тумани,  
Қорақамиш 1/2 10<sup>а</sup> уй, 27 хонадон

## ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

### ҚАЙДАСИЗ ОНАЖОН...

"Оила ва жамият"нинг 40-сонидаги "Қаердасан Маруса" мақоласини ўқиб менинг ҳам дардларим янги-лангандай бўлди.

Мен Тошкент шаҳрида туғилганман. Исмиим Умида, ёшим 21 да. Оилалиман - 2 фарзандим бор. Худого шукр, жудаям бахтлиман. 16 ёшида турмушга чиқдим, 17 ёшида биринчи фарзандим Қорасаройдаги 2-туғруқхонада туғилди. Мен ҳам 1978 йил 24 декабрда шу туғруқхонада дунёга келганман. Лекин, афсуски менга дунёда энг суюкли, меҳрибон инсон бўладиган онажоним 25 декабрда туғруқхонага мени ташлаб кетган. Хаттоки яратган эгам инъом этган оқ сўтларини ҳам менга беришдан воз кечганлар. 12 кулик чақалоқни бир аёл, яъни ҳозирда менга ўз онамдек меҳрибон бўлган онажоним олиб кетганлар. Ҳозирда уларнинг ёлғиз эрка қизлариман. Мендан бошқа фарзандлари йўқ. Мен яратган эгамдан онажоним ва ота-жонимга узоқ умр тилайман. Мен ўзим бу сирни 5 ёшида билганман. Ўша биринчи фарзандим туғилган туғруқхонада бир аёл билан гаплагани ўтиргандим. У аёл шу туғруқхонада 30 йил фаррош бўлиб ишлаган экан. Аёл менга қараб: "Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим", деб қолди. Мен, "Майли", - дедим. У бўлса, "Онажониз сизни туққанмилар ёки асраб олганмилар", - деди. Мен унга бор сирни айтдим. У менга, "16-17 йил олдин, 24 декабр куни сенга ўхшайдиган, товушлари ҳам сендек бир аёл киз туғиб, шу туғруқхонага боласини ташлаб кетган эди. Чақалоқ 2 кило 100 грамм эди. Адашмасам аёл "Сирдарёда яшайман", - деб айтган эди" - деди фаррош аёл.

Мен ўшандан буён ўз ҳақиқий онамни излаб топишни ўйлайман. Ўйлай-ўйлай рўзнамага мактуб йўллашга жазм қилдим. Зора онамни топсам, деб умид қиламан. Мени бу ёруғ дунёга келтириб ташлаб кетган онамни доим эслайман. Ахир фарзандини 9 ой қорнида сақлаб, минг азоблар билан дунёга келтириб, қандай қилиб ташлаб кетган эканлар? Онам бу ёруғ дунёда бормилар ёки йўқмилар - бу менга қоронғу. Онажон, сиз мендан юз ўғирган бўлсангиз ҳам мен сизни кечираман. Балким бутун умр виждонингиз қийналас керак. Агар бир-биримиз билан топшишсак, мен сизни кечираман. Онажон, қани энди сизни топсам сиз билан сўхбатлашсам. Сизни ҳам-аламларга, номусларга мубтало этиб ташлаб кетган эркек ҳам деб сўрасам. Онажон, қайдасиз, сиз билан кўришиш насиб этармикан? Сиз билан учраштиришни яратган эгамдан куну-тун ялиниб сўрайман. Овоз беринг, қайдасиз, Онажон...

Менинг манзилгоҳим: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Дадабоев кўчаси, 73 уй.

Умида СИДИКОВА

## ЙИҒЛАТГАНИ КЕЛДИНГИЗИМИ?

Йўқ, сингилжоним, кўзингизнинг ёшини артиб, сизга далда бергани келдик. Кўнглингизни кўтариб, гам-ташвишлардан озгина бўлса-да фориг этгани келдик. Йиғламанг, азизим? Келдингизни кўтаринг. Раҳматли онажонингиз озуларини энди сиз амалга оширасиз. Энди сиз укаларингизга бош бўласиз...

Қани энди, азага борганда ҳаммаимиз ҳам ана шундай гапларни айта оласак эди. Аксинча, бошига ўлим тушган кишини баттар йиғлатиб, томоша қиламиз. Куйиб ўртанган юрагига яна тўз сепамиз.

Хассос шоира Саида Зуннунова 51 ёшида оламдан ўтганида сўнгги йўлга қузатувга бордик. Бундай чоғларда албатта йиғлаган ҳам йиғлайди, йиғламаган ҳам. Битта-ю битта қизлари Нодиранинг бўзлаганига ҳеч ким чиқолмади. Орадан бир неча кун ўтди, устоз Зулфия опа бошчилигида яна ўша таабаруқ хонадонга кўнгиб сўрагани бордик. Амма-халалар марсиялар айтиб кутиб олишди. Ва шу орада бир аёл "Нодира, чик бўёқка!" деди ичкари хонага юзланиб. Шу чоғ менинг юрагим "шувв" этди. "Ҳозир бечора қиз чиқади, ҳаммаимиз билан бирма-бир кўришиб йиғлайди. Яраси янги бўлади. Чикмай қўя қолсайди..." деган хаёл ўтди. Устоз Зулфия опа эса ҳалиги аёлга: - "Тинч қўйинг, Нодирани!" - деди ва давом этди - Илтимос, уни кўп йиғлатманлар. Юрагини эҳтиёт қилингар, асранлар юрагини! Ахир у ҳали ёш ниҳол. Хали унинг олдига кўп вазифалари бор. Ҳушини керак. Турмушга чиқиб керак. Фарзандлар кўриши керак. Дадасига ҳам шу қарайди вақти келса. Онадан айрилганининг ўзи етади. Шунинг ўзи оғир дард!"

Ох, дейман, мен ўзимча ўртаниб, мен ҳам шу Нодирахон каби эндигина ўзинчи синфини битирганида онамдан айрилган эдим. Кўз ёшларим дарё бўлиб оққан эди. Йиғлаб ошини ичадиган еттига укам билан қолиб, дадам икковимиз хўп қийналган эдик. Ҳа, тош тушган жойини эзган эди. Ўшанда атрофимизда ҳам Зулфия опа каби тушунган, онгли биров меҳрибонимиз бўлмапти-я. Кечгача агар юзта аёл фотиҳага келса - ҳаммаси билан бирма-бир кўришиб йиғлашим керак эди. Марсиялар айтишим керак эди. Дармоним қолмай, оғзим қуриб, кўзларим ачишиб, нафасим чикмай қолганида ҳам бировлар келганида албатта йиғлаб кутиб олишим керак эди. Беш дақиқагина дам олай, деб уйга кирсам, қўйишмасди. "Чик, хотинлар келди. Кўришиб йиғла. Шундоқ онаг ўлиб кетди. Сен йиғламасанг ким йиғлайди?"

Тўғри, мен йиғламасам ким йиғлайди? Бу йил қирқ

йил тўлди, онамдан айрилганимга. Ҳамон йиғлайман, ҳамон кўмсайман онажонимни. Қани энди, изларини топиб бўлса. Қани энди, сўзларини топиб бўлса. Лекин, бировлар учун эмас, ўзим ёлғиз қолганимда, меҳрга ташна бўлганимда, оналик тўқисларга ҳавасим келганида танҳо қолиб йиғлайман. Юрагимни бўшатман.

Ҳа, бу йилги бошқа! Лекин чарчаб, ичингиз узилиб, гам-аламдан томогингиз хилпа бўғилиб турганда бегоналар учун мажбуран йиғлаш жуда оғир. Дард устига чипқонингиз ўзингиз.

Умуман, бизнинг галати урф-одатларимиз бор. Йигирма кун, баъзи жойларда қирқ кун ўша бошига қулфат тушган хонадонда яшаб,

еб-ичиб, кеча-кундуз йиғлаб ўтиравериш керак. Шу хонадондаги қариялар ва етим қолган болаларнинг ёки бечоранинг ҳеч ким ўйлаб топган бундай "йўл-йўриқларни"? Ота-онага, яқин жигарларга биров айтмаса ҳам, буюрмаса ҳам бир умр йиғлаймиз, бир умр унутолмаймиз ул азиз қишларини, юрагимиз, қалбимиз йиғлайди бир умр!

Доноларнинг айтишича, китобларда нақл қилинишича, раҳматли бўлган қишларнинг руҳига бир жуфт Қуръон ўқиб, номини хурмат билан эслаш, унинг орзу-умидлари йўлида меҳнат қилиш, тўғри, ҳалол яшаш, савобли ишларни амалга ошириш - энг тўғри амалдир.

Марҳумлар - бизнинг кўз ёшларимизга зор эмас. Улар бизнинг ўша етимларнинг мушкуллини осон қилишимизга, беваларнинг ҳол-аҳволидан хабар олишимизга, ёлғизларга қўмақлашмоғимизга ва ҳаётимизга, Ватанимизни гуллаб-яшнатмоғимизга зор. Ана ўшанда уларнинг руҳи шод, охираги обод бўлади.

Илтимос, газетхонлар, мени тўғри тушуниг. Ўлим ҳаммамизни йиғлатади, ҳаммамизнинг ирода-мизни синовдан ўтказиши. Илоҳим, ҳеч кимнинг бошига бевақт ўлим тушмасин!

Мен шунга айтмоқчиман-ки, ҳар бир нарсанда меъёр бўлса, табиийлик сақланса, бир-биримизни аяшни билсак, тушунсак, бир-биримизга озгина бўлса-да меҳр беролсак - бевақт рўй берадиган ўлимларнинг ҳам олдини олган бўлармикан. Умримизга озгина умр қўшилармикан!

Бир-биримизнинг кўз ёшимизни артиб, яшашга даъват этмоқ савобига нима этсин?

Санъат МАХМУДОВА

## ҲАР ТОМОНЛАМА ЎЙЛАБ КЎРИНГ “Бу йўлдан қайтмайман” - 35-сон

Мен бу мақолани ўқиб тўғриси жуда ранжидим ва оқ қоғоз олишга мажбур бўлдим. Балки бу баъзи бир аёл ва қизларимизга ўрناق бўлар деган умиддаман.

Азизахон эндигина 28 ёшга кирибдилар, лекин ўзларидан 21 ёш катта кишига кўнгли қўйибдилар. Тўғри, сизга ва фарзандларингизга ота керак, лекин бу йўлдан меҳр кўрмаган деб ўзга оилага кўз олайтиришликдан бўлак нарса эмас. Сиз мени пул ва бойлик қизиқтирмайди, қизиқтирганда нинга термулиб ўтирмас эдим дебсиз. Лекин нима бўлганда ҳам у кишининг топар-тутарлигига қизиқиб “Романингизни” давом эттиргансиз, бойлигига кўпроқ унгансиз, бўлмаса менга биринчи эр нима қилдию иккинчи эр нима қилиб беради қабилида иш тутмаган бўлар эдингиз. Агар яхши аёл бўлганингизда биринчи турмушингизни асраб қолган бўлардингиз. “Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга” деган нақл бор. Мурод ака хотинини ёмонлаб сизга қараб ўз аёлларидан топмаган меҳрини, аёлларга хос гўзалликини сиздан топибдилар, ҳамда сизга чиroyли бўлиб юринг, прическалар қилинг деб айтадилар, дебсиз. Шу гапларни ўз аёлларига айтиб унинг кўнглини кўтарсалар, балки у ҳам бошқа бир мўъжиза яратиб беради. Сизга олиб берган уй ва жиҳозларни фарзандларига олиб, тўйга ҳаракат қилиш ўрнига сиз билан ачом-ачом қиладиган кишидан нима кутиш мумкин.

Сизга ўхшаган аёллар эса фақат бойроқ кишиларни кидиришади, қаранг, сизга шеърлар ўқиб берибдилар, шу шеърларни хотинларига ўқиб берганимкинлар, оналарига мен бир қиз топдим деса дегандир, рози бўлса бўлгандир, кампир одамга бир ширин сўз айтсанг нима қилганда ҳам ёш боладай нарса. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам уларнинг 5 нафар фарзандларини ўйлашингиз керак эди. Энди сиз айтган Мурод аканинг 17 ёшли қизларининг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. У сиз-

ни лаънатламайди деб ким кафолат беради. Ўғиллари-чи, отасининг изидан борса-чи, уларнинг умр йўлдоши шу лаънат тошини сизга қарата отмайди деб ким жавоб бера олади.

Сизнинг фикр-мулоҳазаларингизни ўқиб турган ёш қиз-жувонлар сизга ўхшаб иккинчи хотин бўлишини яхшироқ бўлар экан деган ақида билан иш туттишса-чи, унда чет эл сериалидагидай ҳолат бўлмайди. Тўғри, “Ҳадиси шариф”да бева аёлни ҳожатини чиқарган эркак жаннатий бўлади, деган жойи бор. Лекин биринчи хотини рози бўлиши шарт! Мурод аканинг хотинлари умуман рози эмаслиги хатингиздан маълум бўлиб турибди. Уларнинг фикрича, “қари бидан гижинглаган той яхши”. Мурод аканинг аёллари ўзимизга ўхшаган инсон бўлсалар керак, чунки меҳр кўрмаганларида 5 нафар фарзанд туғилмаган бўларди. Энди ота-онам билса ҳам менга барибир дебсиз. Ота-онани қадрламайдиган аёлдан Мурод ака қандай жиҳатларни топди экан. Сиз мен ёлғиз ўтирган вақтда менга ҳеч ким бир бурда нон бермаган дейишга ҳақингиз йўқ, шу қийналган вақтингизда ота-онангиз кунингизга ярабди. “Энди уйли бўлдим” деб ҳеч кимни назарга илмаслик ношукрлик эмасми? Сиз бугунги ҳаёт билан кун кўрадиган инсонга ўхшайсиз. Ер думалоқ, айланиб-ўргилиб ҳали бунинг ажрини оласиз, буни қайтар дунё дерлар. Келажагингиз ҳали олдинда, нима билан туғайди Оллоҳ билади.

Менинг бу аччиқ гапларимга хафа бўлманг, нима бўлганда ҳам бу ҳақиқат. Ҳақиқат эса эгиледи, лекин синмайди, ўзингизни алданиб қолишдан тийилинг, уларни ўз холига қўйишлик сизнинг кўлингизда. Менинг маслаҳатим - ўз фарзандларингиз отаси билан ярашинг, ана шунда тўғри йўл танлаган бўласиз!

Тошкент

ДОНО

## “ЮРАК ДАРДИ МЕНИ ҚИЙНАЙДИ”-32-СОН

**Эслатма:** “Фарҳод исмли йигит билан севишиб юргандик. У касалхонада ҳам-ширанинг хатоси тўфайли вафот этди. Уни бир умр унутолмайман, унинг ёди билан яшайман. Шу хотира билан бу дунёни тарк этаман”, деган мазмунда дил изҳори биттанди Зиёда.

### ҲАЁТНИ ЯНГИДАН БОШЛАНГ

Зиёда, сиз энди 18 ёшни қаршилабсиз. Тўғри, севган кишидан ажралиш қанчалар оғир эканини яхши биламиз. Тақдирнинг аччиқ зарбаси Фарҳодни бевақт бу дунёдан у дунёга олиб кетибди. Яратган Эгам Фарҳоднинг пешонасига шунч ёзган бўлса не ажаб. Тўғри, бу ерда ҳамширанинг ҳам катта айби бўлган. Чунки инсон ҳаёти ўша ҳамшира учун бир қақалик қийматга эга бўлмаган.

Зиёда, сиз энди ҳаётни бошқатдан бошлашингиз зарур. Чунки бу ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Бу ҳаётга ҳаммамиз синов учун келар эканмиз. Ўқишга кираман дебсиз, албатта ўқишга кириг. Агар сизни тунган йигитга кўнгли берсангиз албатта ҳаётингиз изига тушиб кетди, деган умиддаман. Зиёда, агар иложи бўлса сиз билан учрашиш ниятман бор.

Манзилимни ҳам ёзиб юбормоқдаман.

Тошкент шаҳар,

Чилонзор тумани, Боғобод 1-тор кўчаси, 49-уй  
Бахтиёр ҲАЙИТОВ, 23 ёшда

### ОЛЛОҲ БЕРГАН ТАҚДИРГА КЎНИНГ

Ҳурматли дугонам Зиёдахон. Мен сизнинг мактубингизни ўқиб жуда ҳам ҳайратда қолдим. Сизни пок муҳаббат эгаси эканлигингизга ишонч ҳосил қилдим ва сиз билан суҳбатлашгим келди. Сизга Оллоҳдан бахт, сабр-тоқат беришини тилайман.

Зиёдахон, Фарҳоднинг руҳини шод этай десангиз тақдирингизни ўйланг. Бирон бир йигитга турмушга чиқинг. Мен сизни мақолангизни охириг жумласига ҳеч тушунолмай қолдим. Бу қиладиган ишингиз менимча хато бўлса керак.

Мендан сизга дугоналарча бир насиҳат: Эндигина 18 баҳорни қарши олаёписиз. Бахт куши сиздай гўзал кўзга қулиб боқишига аминман.

Бухоро шаҳри

НОЗИМА

## ФЕРУЗА, БИЗНИКИГА КЕЛСА...

### “Уларни она деган номи бор” - 23-сон

Феруза қизалогимизнинг дардли сўзлари юрагимизни ларзага солди, вужудимиз зиркираб кетди. Қани эди ҳозир олдимизда пайдо бўлиб қолсаю пешонасидан ўпиб унга бахт тиласак. Унга хат ёзиб қақрайлик десақ, адреси ҳам кўрсатилмаган экан. Шу сабабли ҳақиқатдан шу Феруза исмли қизчани адреси бўлса унга етказсангиз - бизни оилага ташриф буюрса. Маъқул кўрса, бир умр фарзандимиздек ёки узилмас қариндошдек бўлиб қолса. Биз кўпинча болалар уйдаги нора-сидаларни ўйлаб ташвиш ва изтироблар чекамиз. Бемехр ота-она, бемехр қариндошлар борлигини

**Эслатма:** “Дунёда ота-онани рози қилиб, яшайдан ортиқ бахт бормиқан? Бироқ!.. Ота-онам мени шу қадар ёмон кўришадики... Уларга қалбим билан интилганим сайин қаҳру-ғазабларини тобора кўпроқ сочаверишади. Сабабини эса билмайман. Барибир уларни яхши кўраман, лекин улар нега мени бунчалар ҳўрлашади?..” -деб куйиниб ёзгани, Феруза ўз дил изҳориди.

эса ҳеч қачон ақлга сиғдира олмаймиз.

Шу сабабли азиз таҳририят ходимлари, сиздан илтимос, бизни манзилни Ферузга билдирсангизлар. Ферузахон ҳеч иккиланмай бизникига келаверса ёки ўз манзилни баён қилса. Дилимиз ундамаса, бу мактубни ёзимас эдик.

Наи́ма РАҲМО́НОВА

Тошкент шаҳри,  
Сирғали тумани

## ФАРИШТАЛАР “ОМИН” ДЕМАСИН “Ўйнаб гапирсанг ҳам...” - 40-сон

Баъзан даврада гап айтган суҳбатдошга ёнидагилардан кимдир: “Ҳаё-ҳай, оғзингга қараб гапир, тагин фаришталар омин деб юборамин”, -дейди. Бу гапнинг қанчалар ҳақиқат эканлигига ўзим гувоҳ бўлгач, яна бир бор имон келтирдим...

Хотира ва қадрлаш кунига ўн кунча қолганда уйга Ховоснинг Савот қишлоғида яшовчи куёвимиз Анорбой келиб қолди.

- Ака, синглингиздан эшитишимча, сиз Холмат чавандоз билан таниш экансиз. Мана шу Хотира ва қадрлаш кунига бизда жуда катта кўпқари берилади. Биласиз: менда иккита улоқчи от бор. Шуларни сотиб машина олмақчиман. Агар сиз илтимос қилсангиз, ўша чавандоз ошангиз отларимни миниб бир давра айланса, отлар нархи икки-уч бараваар юқори бўлар эди...

Куёвимиз айтган чавандоз (унинг номини ўзгартирдим О.С.) Холмат ака билан беши-ўн йилдан бери қардонмиз. Холмат полвон улоқ чопидаги моҳирлиги билан Урта Осиёда машҳур. Кўпинча кўпқарини ердამчиз, бир ўзи чопди. Зарур келса, югансиз, агарсиз отда ҳам улоқ чопа олади.

- Майли, мен гаплашиб кўрай-чи, - дедим куёвга.

Холмат акани стадиондан топдим. Ёши эллика яқинлаб қолса ҳам формасини сақлаш учун футбол ўйнайди, тош кўтарайди, турникда машқ қилади.

Бор гапни айтдим.

- Майли, бир савоб иш қилсак, қилайлик, - деди у. - Сен саккизинчи май кунни эрталаб уйга кел. Отларни “Қамаз”га ортиб, ўзимиз “Волга”да йўлга тушамиз.

Уйга келиб Анорбойни кўнглини тўқладим. “Саккизинчи май кунни худо хоҳласа уйингга кириб борамиз”, - дедим. Куёв хурсанд қайтиб кетди.

Саккизинчи санада Холмат чавандозникига бордим. Мени пешонаси тиришиб кутиб олди.

- Биласанми, ука, 9 май куну кудамиз тўй қилиб, катта кўпқари бераёпти. Ўғлига синглим келин бўлиб тушган. Агар тўйга бормасам, бир умр мен билан юз кўришмайди. Шунинг учун сен айтган кўпқарига боролмайман, - деди у.

- Ахир бораман деб сўз бергандингиз. Лафзингизга ишониб куёвим бутун Ховосга “меникига Холмат чавандоз келади” деб овозга қилиб юборган. Энди сиз бормасангиз нима деган одам бўлади, “Холмат чавандозни олиб бораман” деган мен нима деган одам бўламан? Қолаверса нимани баҳона қиламан? Холмат полвон сўзидан қайтди, деёлмайман-ку, ака.

У бошини қашлаб пича ўйлашиб турди-да, деди:

- Менга қара ука, Холматни акасини ўғли вафот этибди, ҳозир улоққа чиқмаяпти экан, дегин!

Рўҳим тушган ҳолда Ховосга жўнаб кетдим. Савот қишлоғига қираверишдаги бекатда синглим Ойша кутиб турган экан.

- Ҳа, нега ёлғизсиз? Отлар билан чавандозлар орқада, машинада келишяптими? Юрагим эзилб кетди. Кўксимда бир нима “чирт” этиб узилгандай бўлди. “Чавандоз эли мард бўларди. Хе, ўша бебурд чавандозларниям!”

Куёвимиз уйини бизни тумандан келадиган чавандозлар учун кўноқхона қилиб белгилаган эканлар. Уй тўла чавандоз. Улар “Холмат полвон билан гурунғ қиламиз”, деган уйда йўғилишиб ўтиришган экан.

Шўппайиб, хомуш кириб бордим.

- Миймон, Холмат полвон энди келами? - дея бақувват, шопмўйлов бир чавандоз менга тикилди.

- Уэр, у кишини акаларини ўғли қаза қилибди, ҳозир Холмат ака улоқларга чиқмаяпти...

Бир уйда тўла давра кўрган, эл ичида юрган чавандозлар кўлларини фотиҳага очтиди. - Омин! Ўша укамизнинг жойлари жаннатда бўлсин!

Эртаси улоқ ҳам бўлди. Анорбой ўз отларидан улоқ чопиб совринлар олди. Отлар яхши нархларда сотилди, ҳам...

Байрамни эртаси куну кишлоққа қайтиб бир хабар эшитдим: кутиб қолдим. Холмат чавандознинг амакисининг ўн тўрт яшар ўғли автубус босиб кетиб ўлибди...

Йигит лаъзидан йитмасин,  
Тўғри-ёлғон сўз айтмасин.  
Оғиздан чиққан нопанд сўз-  
Бошга тош бўлиб қайтмасин.

Обид СЎФИХОНОВ,  
журналист

ШАБРИКЛАР ВА ЭЪЛОҲЛАР

**Азиз онажонимиз ОЙЗОДА!**

Сизни таваллуд кунингиз билан табриклаймиз! Бахтимизга доимо соғ-омон бўлинг. Бизнинг роҳатимизни кўриб юринг. Фарзандларингиз Зокиржон, Акбаржон

**Азиз ойижонимиз ЗАХРО!**

Туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга Оллоҳдан узоқ умр, соғлиқ тилаймиз. Оила аъзоларингиз номидан келиннингиз Камолахон

**Севимли набирамиз ДИЛНУРА!**

Сени туғилган кунинг билан табриклаймиз. Бахтимизга соғу саломат, ақлли инсон бўлиб вояга етгин, орзу хавасингни кўрайлик ило! Қалбинг доимо кувончга тўлиб юргин. Абдурахмоновлар оиласи

**Хурматли УЛУФБЕК ака!**

Сизни туғилган кунингиз билан табриклайман. Ишларингизда омадлар тилайман, доимо соғ бўлинг. Сурайё

**ОИЛА - 540**

Ойил маълумотли, келишган, 37 ёшли, Тошкентлик ўқитувчи аёл 39-45 ёшли, Тошкентлик ўзбек йигити билан танишишни истайди.

**ОИЛА - 541**

Шахрихон туманида яшайдиган, баланд бўйли, 33 ёшли, уй-жойи бор, тижоратчи йигит 23-30 ёшда бўлган бир фарзанди бор аёл билан турмуш қуришни истайди.

## ХИЗРНИ КЎРГАН НОР БОБО

У пайтларда бола эдик. Қишлоқда: "Нор бобо Хизрни кўрган, у билан гаплашган", деган мишмиш юрарди. Биз ана шу гапнинг рост ёки ёлғонлигини билишга қизиқардик. Бир куни ҳаммамиз тўпланиб, Нор бобо пичан ўраётган жойга бордик.

- Бобо, Хизрни кўрганнингизни айтиб беринг.

Нор бобо ўроғини бир четга қўйиб, ўз ҳикоясини бошлади.

- Кичкиналгимда онам қаза қилиб, отам бошқа бир аёлга ўйнаб ўтирардим. Бир куни қоқ туш маҳали оч-наҳор, ўт чайнаб ўтирсан, ён томонимдан шарпа эшитилди. Қарасам, бошдан-оёқ оппоқ кийинган бир чол кулиб турибди. У "Бери кел" деб менни ёнига имлади. Аста ўрнимдан турдим. Қўрқанимдан тиззаларим қалтираб кетди. Бехосдан отамнинг гапларини эсимга тушди. "Хизр бува оқ кийимда кўринади, уни учратган киши дарров салом бериб, бирор нарса тилаши керак" дерди. Кўрқа-писа секингина "Ассалом" дедим.

- Нега ҳар кун бу ерда ўтирасан, болам? - деди ўша чол. Товуши ҳам ғалатирок, худди

отамникига ўхшаб кетарди.

- Ўгай онамни ёмон кўраман! - дедим мен.

- Сен ҳозир уйингга бор, ҳаммаси яхши бўлади. Бой-бадавлат яшайсан, тўксон йил умр кўрасан, - деди.

- Ўгай онам энди мени уришмайдими? - дейишим билан қарасам бояги чол йўқ. Туш кўрдимми деб, билагимни чимчиладим. Йўқ, туш эмас, чин. Шу куни қечкурун уйга қайтдим. Кўрганларимни ҳеч кимга айтмадим. Ишонмасдан, устимдан кулишади деб ўйлаган бўлсам керак. Лекин, ўшандан сўнг ўгай онам мени ҳеч қачон уришмайдиган бўлиб қолди...

- Бобо, ҳозир нечага кирганимиз? - дедик биз чувиллашиб.

- Ҳозирми, ҳозир етмишнинг устиданман, - деди бобо.

Биз ўзимизча ич-ичимизда: "Бобо яна йигирма йил яшаркан-да" дея ўйлаб бошладик.

Кейин эшитишимча, Нор бобо тўксон ёшга тўлган куни қишлоқни айланиб ҳамма билан рози-ризолик сўрашиб чиққан. Шунда кўпчилик "Сизга нима бўлди, қариганда восвос бўлиб қолдингизми?" деб хайрон бўлишган. Бироқ, эртасига тонг отиши билан оқ қишлоқ хабарчиси ҳаммани Нор бобоникига жанозага чақириб кетган экан...

**ГУЛЖАМИЛА**

## ОППОҚ РҮМОЛ - БАХТ ЭКАН

Қизлик чоғларим эди. Уйимизга турли жойлардан совчилар келар, мен эса уларнинг ҳеч бирига рўйхушлик бермасдим. Ахир онам: "Қизим, кўнглингга ёққан бошқа биров бўлса, унисини айт, ё бўлмаса шу совчилардан бирор тасига розилик берайлик", дея мени қийин-қистовга олди. "Мени уйингиздан кетказишга шунчалик шошиляпсизми?" деб онамдан ўпқаладим. Шунда онам: "Сени яхши жойга узатиш биларгаям қарз-да. Хали олдинда сингилларинг бор", деди. Ўшандан сўнг ҳам совчилар келиб кетаверишди...

Бир куни ғалати туш кўрдим. Қаёққадир кетаётганмишман. Атрофим тўла одам. Бир пайт ёнимдагилар аллақайқа гоийб бўлишиб, яққа ўзим қолибман. Рўпарамда катта сой оқаётганмиш. "Йўлимни йўқотдим" деб кўриб кетибман. Шунда нариғи қирғоқда паст бўйли, тўлагина бир аёл кўринибди. "Лайло, бери томонга ўт!" деб мени чақирди. "Қандоқ ўтаман?" деб мен сойни кўрсатибман. "Айланиб ўт, йўл бор" деди ҳалиги аёл. Соини айланиб ўтиб, аёлнинг ёнига борибман. У эса кўйнидан оппоқ бир рўмол чиқарибди ва уни бошимга ёпибди. Сўнгра: "Буни ҳеч кимга айтма!" деб шивирлабди.

Уйғонсам, тушим экан. Онам: "Тонг олдида кўрилган туш рост келади" дегандилар. Шу учун ҳам бу тушимнинг таъбирини билиш учун уни дарров онамга айтмоқчи бўлдим. Лекин, тушимдаги аёлнинг ҳеч кимга айтма деганини эслаб, "Тагин бир балого йўлиқмай" дея тушимни ҳеч бир кишига айтмадим. Бир неча кун ўтиб уйимизга мутлақо бегона жойдан яна совчилар келишди. Бу гал мен онамни қайта ранжитим келмадимми ё тасодиф туфайлими, "ўзларингиз биласизлар" дедим. Кейин тўй бўлди. Мен келин бўлиб тушган бегона қишлоқ чиндан ҳам катта сойнинг нариги томонида, паст бўйли миктигина аёл эса қайнонам экан. Умр йўлдошим бирам ақлли ва олижаноб инсон. Ҳозир уч фарзандим бор. Жуда-жуда бахтли яшаймиш. Қайнонам, қайнотам ва уларнинг оиласидогилар, ҳамма-ҳаммаси билан худди минг йиллик кадрдонлардек бўлиб кетганман. "Илло, бахтимизга кўз тегмасин!" деб ҳаммаша Аллоҳдан сўрайман. Тушдаги оқ рўмол ҳосиятли экан, сингилларим. Қачонки, шундай туш кўрсангиз кутинг, бахтингиз сизни излаб йўлга чиққан бўлади.

**Лайло ФОЗИЛОВА**  
**Жомбой тумани**

## "ОИЛА ВА ЖАМИЯТ" ЎГИТНОМАСИ

Бугдой айна етилиб келган вақт экан. Бугдой экилган ерга катта бир туя кириб бугдойларни эзиб, боиси еяётган экан. Шунда туяни одамлар кўриб қолишибди. Хайдаб чиқаришмоқчи бўлишибди. Қанча уринишмасин, майдондан туяни хайдаб чиқара олишмабди. Шунда содда одамлардан биттаси: "Келинлар, туяни йиқитиб, оёғидан боғлаб, судраб олиб чиқамиз", - деди.

Туяни не бир азоблар билан йиқитиб, судраб чиқаришибди. Пайхон бўлган далани кўрган яна бир киши эса уларга қарата деди:

"Эҳ, содда одамлар, бу нима қилганларингиз? Туянинг ўзи чиқиб кетарди-ку... Қайтага уни судраб шунча бугдой майдонини нобуд қилдингиз-ку..."

Қўшнимизнинг олти ўғли бор. Қизлари ҳали кичкина. Ҳамма уй ишларини ўғил болалар қилишади. Идиш-товоқ ювиш, уй супуриш, хуллас рўзгордаги барча юмушларни ўғил болалар қилишади. Кунларнинг бирида онаси бир ўғлини алдаб, идиш-товоқларни ювиб қўйсанг, пул бераман, шоколад оласан, дебди. Ўғил шоколад илнжиди идиш-товоқларни чиннидек қилиб ювибди. Сўнгра онасидан "пулни" сўрабди.

Онаси бўлса, "эртага бераман", деб уйга кириб кетибди. Ўғил тушмағур шўх эмасми, "онам мени алдади, пул бермади" дея, қайтадан қозон-товоқларни тупроқ ва қумга тўлдирибди.

**Маҳфуза АШУРОВА**  
**Бухоро вилояти, Пешку тумани**

...Бундан бир неча йил муқаддам ёш-яланглар чўмилиб хордик чиқаришгаётган каттакан кўл қирғоғида уч киши суҳбатлашиб борардик. Биз одимлаётган йўлнинг бири тарафидан кўлдан оқиб чиққан қозғолару целлофан бўлаклари супириндилар билан аралашиб ётарди. Бир маҳал ҳамроҳларимиздан бири супириндилар устига энқайиб ниманидир кўтарди. Қарасак, у кишининг қўлида кирлаган ва чанга ботган бир сўмлик пул осилиб турарди. Менку унча парво қилмадим, аммо учинчи ҳамроҳимиз тупроқ ичидан чиққан ирқит пулни ушлаган ҳамроҳимиздан норози қиёфада менга қаради.

Биз аввалги маромда охисталик билан одимлардик. Бир сўмлик ирқит пул сабаб суҳбатимизнинг мавзуси ҳам йўқолиб қолгандек эди. Бир-икки дақиқа юрганимиздан сўнг ҳалиги шергимиз озгина сув оқиб турган водопровод жўмрағи ёнига борди-да, қўлидаги ирқит пулни ювиб, жўмрак устига осилтириб қўйди. Сўнгра қўлини даструмом билан артиб бўлиб, чўнтагидан ёнидаги пулларини чиқарди-да, ҳозиргина ювилган бир сўмликни ўша пулларнинг орасига солиб қўйди.

Яна йўлимизда давом этдик.

- Мендан хайрон бўлишларингиз мумкин. Эҳтимол менинг қилган ишимдан жирқанарсиз, - деди

ҳозиргина ирқит пулни ювиб чўнтагига солган шергимиз. - Хоразмлик оғайнимиз бир тийин учун ўзини томдан ташлайдиганлар хилидан экан, дейишимиз ҳам мумкин. Лекин, мен нима десаларингиз ҳам хафа бўлмайман. Пулнинг уволи ҳақида бир воқеа эшитганман. Ўшандан бери бирор жойда хор бўлиб ётган пулни кўрсам, ҳатто бир тийинлик танга бўлса ҳам бе-

парво ўтиб кетолмайман.

Яна бирор дақиқа жим кетдик.

- Айтасизми ўша воқеани? - деб сўради учинчи шергимиз. - Гапни бошлаб қўйганингиздан кейин айтинг-да.

- Эшитсаларингиз айтаман, - деди хоразмлик ҳамроҳимиз. - Урушнинг охириг йилларида - қирқ тўртинчи, қирқ бешинчи йилларда бўлган воқеа дейишувди. Хоразмлик машҳур ҳофизлардан бири тўйга борибди. Бадавлатроқ одам тўй қилган бўлса керак, роса пул тушибди ҳофизларга. Ҳалиги ҳофиз ўз шогирди билан салкам бир қопчиқ пулни кўтариб тунда йўлга тушибди-

лар. У пайтлари ҳозиргидек машиналар бўлмаган-да. Устоз-шогирд пийёда кетаверибдилар. Бир маҳал ярим йўлга етгандами ҳофизнинг қабиъати кистаб қолиб, четга ўтибди. Сал ўтгач, хув нарироқда қол кўтариб турган шогирдига овоз берибди:

- Қопдаги пуллардан бир-иккитасини бериб юбор...

Шогирд устозининг айтган гапини икки қилолмабди, қопдаги пуллардан бир-иккитасини узатиб юборибди... Бу воқеа ўтиб кетибди-ю ҳалиги ҳофизнинг шуҳрати пайсаишга кетибди. Охири шундай бўлибдики, ҳалиги ҳофиз эллигинчи йилларда очлик ва муҳтожликда вафот эттибди... Эҳтимол у кишини пулнинг уволи тутгандир.

Хоразмлик дўстими гапни нишонга урганди. Биз - иккала шерик унинг ирқит пулни ювиб ёнига солиб қўйганига тан бердик. У жуда тўғри иш қилган эди.

Шунда мен ўзимнинг қишлоқда эшитганим бир гапни эсладим. Биз

ёш бола эдик. Бир куни: "Маҳкам Ниёзов турмадан келибди, қамоқдан қутилиб келибди", деган гап тарқалди. Шунда катта ёшли кишилардан бири иккинчисидан сўраб қолди:

- Маҳкам Ниёзов нима учун қамалувди?

Иккинчи киши унга жавоб берди: - Ниёзовнинг қамалиши сабаби... ўн сўмлик қизил пулга моҳорка ўраб, папирос қилиб чеккан экан. Шунинг хабарини кимдир тегишли жойга етказган. Шундан кейин Маҳкам Ниёзов ўн йилга кесилиб кетган эди.

Шу гаплардан маълум бўладики, пул деган нарса шарият ва қонунлар томонидан қадрланмиши, муҳофаза қилиниши ҳаётий мантиқа ҳам со келади. Ахир ёнингизда пулнингиз бўлмаса нон ҳам, бошқа ноз-неъматлар ҳам сотиб ололмайсиз-да! Ноннинг ҳам, бошқа ноз-неъматларнинг ҳам уволи борлиги ҳаммага аён гап.

Ҳоҳида у ер, бу ерда йиртилган пулларга кўзимиз тушади. Увол-да! Баъзи тўйларимизда рақсга тушаётганлар устидан даста-даста пуллар сочилганини кўриб ёқамизни ушлаймиш. Пул рақсоз ва рақсозларнинг пошоналари остида эзилди, тепкиланади. Увол-да, тўғри эмасми?

**Оқилжон ҲУСАН**

# ПУЛНИНГ УВОЛИ БОРМИ?

### ТУРМУШ САБОҚЛАРИ

**Х**ар галгидек, бугун ҳам Бахтиёр мени билим юртининг дарвозаси олдида кутарди. Дарвозадан чиқиб келаётган қизлар орасидан мени қидираб экан, топа олмаётганлигини кўриб ич-ичимдан қувонардим, шу тоғда мендан бахтлироқ инсон йўқ эди.

Кўча қизлар билан гавжум. Мен улар орасидан чиқиб Бахтиёрга яқинлашганим сайин юрагим уришининг янада тезлашаётганлигини ҳис этардим. Атрофимиздаги барча қизлар менга ҳавас билан қарашаётганликларини сезиб, гурурим янада ортарди. Ҳақиқатдан, Бахтиёр ҳар қандай қизни жалб қила оладиган, хушсураат йигит эди.

- Гулнозахон, мана иккаламиз учрашиб юрагимизга ҳам анча бўлиб қолди. Мен сиз билан жиддийроқ гаплашиб олмоқчи эдим, - деди. Мен Бахтиёрнинг нима демоқчи бўлаётганлигини юрагимдан сезиб турсам-да, ўзимни билмасликка олиб:

- Нима гап ўзи, тинчликми? - деб сўрадим. Бахтиёр ерга қараганича гап бошлади:

- Гулнозахон, кеча сиз тўғригини оймларга айтган эдим. Ойим менга-ўзинг биласан ўғлим, келинимиз ҳурмат-иззатимизни жойига қўйса, сенинг қадрингга етса дейман. Гулнозахон сенга ёқибдими, демак бизга ҳам маъқул бўлади. Майли, биз рози. Агар хоҳласанг, хоҳланг билан совчиликка борамиз, дедилар. Шу ҳақда сизни огоҳлантириб қўйсам, дегандим. Ишқилиб, уйдагиларингиз рози бўлишингиз-да.

Бахтиёрнинг бу гапларидан мен қаттиқ уялиб кетдим. Бу менинг розилик жавобим эди. Буни Бахтиёр ҳам тушуниб турарди.

Эртасига тушга яқин совчилар келишибди. Ойим-турмушга чиқадиган мен эмас қизим, Гулнозахоннинг олдида ўтайлик, агар рози бўлса, шундан сўнг биздан оқ фотиҳа, дедилар.

Ўқишдан келганимдан кейин ойим ёнларига чақириб:

- Гулноза қизим, мана, ўқишинг ҳам тугай деб қолди. Кўнглингга ёқадиган бирор йигит бўлса менга тортинмасдан айтавер, қизим. Агар ёқтирадиганинг бўлмаса, бугун сени сўраб совчилар келишган эди. Куёв бўлмишининг исми Бахтиёржон экан. Ота-онасининг ёлғизгина ўғли экан. Шу йигит билан бир гаплашиб кўрсанг, шунга қараб совчиларга жавобимизни берайлик, - дедилар.

Онамнинг бу гапларини эшитиб ич-ичимдан қувониб кетдим. Ойимга нима дейишимни билолмасдим.

- Шундай қилиб икки ҳафта ўтар-ўтмас оклиг оладиган бўлишди. Тўғрисини айтсам, мендан бахтли одам йўқ эди ўшанда. Биз Бахтиёр билан тез-тез учрашиб турардик. Орадан кўп вақт ўтмай тўй кунини ҳам белгиланди. Тўйимиз ҳақидаги хушхабар бир зумда тарқалди. Никоҳ кунига бор-йўғи бир ҳафтагина вақт қолган.

Бир кунни ўқишга борсам, дугоналаримиздан биринчи бўлиб турмушга чиққан Дилдора гап бошлаб қолди:

- Гулноза, сен бизнинг гапимиздан хафа бўлмагин, лекин биз ҳайронмиз, шу Бахтиёрнинг нимасига учиб унга тегишга рози бўлдинг. Оиласи камбағал бўлса. Сен чиройли, ақлли бўлсанг, манаман деган бойвачча йигитлар оларди-ку сени. Мана,

мени турмушимни қара, эримнинг иккита машинаси бор, ўзи иш-ламаса ҳам отаси бутун бошли корхонада директор, қайнонам савдо-сотик бўлиб иш-шуғулланади, уйда ўзимга хону, ўзимга бекман, хоҳлаган кийимимни кияман, хоҳлаган жойимга бораман, яна нима керак менга. Шунга ўхшаган бойваччароқ йигит топсанг бўлмай-дими? Тагинам, ўзинг биласан.

Шу вақт Нафиса гапга аралашди. Гулноза, мана шунча вақтгача Бахтиёр билан учрашиб юрибсан экан. У сенга нималар совға қилди, бизга ҳам кўрсатгин...

Шундагина ўйлаб қолдим. Ҳақиқатан ҳам шунча вақт учрашиб юрибману Бахтиёр менга ҳеч нарса совға қилмабди. Ширин-ширин сўхбатлардан бошқа ҳеч нима... Мен гапни ҳазилга бурмоқчи бўлиб: "Вой, Бахтиёрми, ҳар кунни бир даста гул билан келади", - дейишимни биламан, дугоналарим бараварига кулиб юборишди. Нафиса:

- Эҳ, Гулноза-эй, гул ҳам совға бўлибдими. Мана бўйнимдаги тилла занжиримни қара, эрим биринчи учрашувда олиб келган, мана

бу узукни эса туғилган кунимга совға қилди, - дея кўлидаги катта тилла узукни кўрсатди.

Мен Бахтиёрни нима деб ҳимоя қилишни билмасдим. Ҳақиқатан ҳам унинг оиласи бой-бадавлат оилалардан эмасди. Тилла тақинчоқлар ўрнига Бахтиёр менга соф муҳаббатини совға қилган эди. Ўзимга -ўзим шундай дейману, аммо юрагимнинг бир чеккасида алам, дугоналарим олдида иззалик изтироблари пайдо бўлаётганлигини сезаман. Бир вақтнинг ўзида бу фикрлар нотўғри эканлигини, соф муҳаббат билан бойликни тенглаштириб бўлмаганини англаган ҳолда ўзимга-ўзим яна далда бераман. "Танижони соғ бўлса меҳнат қилиб пул топади. Онасининг айтишича, тўй харажатларини ҳам кўпини ўзи қилаётган эмиш. Сабр қилсак, ҳаммаси яхши бўлиб кетади"... Кўнглимдан ўтган гапларни қандай қилиб қизларга етказишни билмасдим. Мен улар олдида қандай қилиб кетишни ҳам билмай қолдим. Фақат: - "Ҳали кўрасизлар, ҳаммаларингизнинг тўйингиздан ҳам меники зўр бўлди, борганда кўрасизлар", - дея олдим ҳолос.

Шу бўлди-ю хаёлимни дугоналаримнинг гаплари-ю, ҳар хил саволлар эгалаб олди.

Мен Бахтиёрни нега севдим, унинг нимаси бор, у менинг тенгимми? Ҳа, Бахтиёр хушсураат йигит. Лекин, чирой ҳаётда асосийси эмас-ку. Турмушда жуда кўп нарса иқтисодга, пулга тақалади-ку. Бахтиёрнинг оилалари эса... Оила қургандан сўнг қийналиб қолсак-чи, дугоналарим



**НИКОҲ ҚУЙЛАГИ**

сингари еб-ичиб, кийиниб юролмасак-чи? Нега шуларни олдинроқ ўйламадим. Нега шовилдим? Ўзим истамаган ҳолда Бахтиёрга бўлган меҳр-муҳаббатим сўна бошлади. Турсам ҳам, юрсам ҳам дугоналаримнинг гаплари қулогимдан кетмасди.

Бугун Бахтиёр келса нима қилиб бўлса-да, у билан очиркоқ гаплашиб оламан. Унинг ҳам орзу-ҳаваси бордир, ахир, қолаверса, у ҳам битта ўғил-ку, тўйимизни шу дугоналаримникидан кам қилмас. Эки...

Аслини олганда бугун Бахтиёр келишини истамадим.

Йўқ, мен ўйлаганчалик бўлмади, келди. Унинг кайфияти олдингидан ҳам яхшироқ, у жуда бахтиёр эди.

- Гулноза, сизга нима бўлди, тобингиз йўқми, - деди менинг кайфиятим йўқлигини дарҳол сезиб. - Ахир хурсанд бўлсангиз-чи, биз ниятимизга етдик, никоҳ кунимизга ҳам бир ҳафта қолди...

Лекин менинг хаёлимни бошқа нарсалар эгалаб олганди. Шу тоғда: "Мени кечиринг, адашган эканман, биз бир-биримизга мос эмасмиз", - деб орани очиқ қилгим келарди.

ТАҚДИР

- Кимларни тўйга тақлиф қилмоқчисиз? - Бахтиёрнинг бу гапи фикрларимни бўлиб юборди. - Тўй, қанақа тўй, ҳеч қанақа тўй бўлмайди. Мен, мен қайтариш қилмоқчиман... - Бу гапларни қандай айтиб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

- Нима, нималар деяпсиз, сизга нима бўлди ўзи, Гулноза, бундай тушунтириброқ гапирсангиз-чи?

Бахтиёр бутунлай ўзини йўқотиб қўйганди. Мен эса, энди унга нима деб жавоб беришимни билмасдим. Бошим қарахт бўлиб, кўз олдим қоронгулашди, ўзимни галайти сеза бошладим.

- Агар никоҳ қўйлагимни Тошкентдан олиб келмасангиз, ҳеч қанақа тўй бўлмайди. Ҳали ҳеч қайси дугоналарим киймаган қўйлакни мен кийишим керак, тушундингизми? - дедим унга қатъий оҳангда.

Бахтиёр мени худди биринчи марта кўраётгандек ҳайрон қараб турарди. Ниҳоят ўзига келиб:

- Наҳотки Тошкентдан олиб келинган никоҳ қўйлаги тўйимиз бўлиш-бўлмаслигини, тўғрироғи ҳаётимизни ҳал қилса... Сизга нималар бўлаяпти, тушунолмади қолдим, - деди.

Мен йиғлаганимча ниғоҳимни ерга қадаб индамасдан турардим. Бахтиёр жимиб қолди. Унинг ичида бўлаётган ўзгаришларни, галаёнларни юзидан сезиш қийин эмасди.

Хаёлимда тўсатдан: "Бахтиёр кетиб қолса-я", - деган фикр пайдо бўлди. Аммо, ундай бўлмади. Бахтиёр менинг гапларимни қизларнинг нозига йўйдими, тўсатдан:

- Бўпти, ташвиш чекманг, ўлимдан бошқасининг иложи бор, сиз айтганча бўла қолсин, мен айнан сиз айтган қўйлакни олиб келаман, - деди.

Шу пайтда унга жудаям раҳим келди. Аммо лол эдим. Хайрлашмай юргунганча уйга кириб кетдим.

Шу кунни кечаси билан кўзимга уйку келмади. Ўзимни ўзим койиш билан бирга хаёлимда бўладиган тўйни тасаввур қилардим. Сочларимни қандай турмаклашни, қанақа тақинчоқлар тақишни кўз ўнгимга келтириб кўрардим. Саҳарга яқин уйку элтибди. Тушимда оппоқ қўйлақда Бахтиёр билан аста-секин қадам ташлаб кетаётганмишман.

Аммо, мана шу дамларда Бахтиёрнинг боши қотган. Гулноза айтган даражадаги келин қўйлак учун маблағ ажратилмаган, қолаверса, вақт оз қолганди.

Бир маҳал Тошкентда ўқийдиган Қахрамонжон деган ўртоғи ёдига тушиб қолди. Қахрамонжоннинг отаси фирма мудири деб эшитган эди. Уларда албатта пул бўлиши керак. Қахрамонжон Бахтиёрни жуда ҳурмат қилади. Бир оғиз сўзини икки қилмайди. Бахтиёрнинг кўнгли чиройи ёришгандек равшан торди. Индин Тошкентга кетаман, деган хаёл билан уйга кирди.

Бир кундан сўнг эрта туриб ҳеч кимга айтмасдан Тошкентга отланди. Шаҳарда эса, Қахрамонжонни ҳеч қийналмасдан топди. - "Сени иккунга тўйга тақлиф қилгани келдим", - деб ўртоғининг кўнглини кўтарди. Қахрамонжон чин кўнглидан Бахтиёрни табриқлади. Иккаласи кечгача шаҳар


айланишди, кайфиятлари аъло, жуда ҳам хурсанд эдилар. Ниҳоят Бахтиёр:

- Қахрамон, биласанми, Гулнозага Тошкентдан никоҳ қўйлаги олиб кетмоқчи эдим. Лекин келишда йўлда пулимни ўғирлатиб қўйибман, - деб ёлғон гапиршига мажбур бўлди.

Бахтиёр дўст танлашда адашмаган эди. Қолаверса, Қахрамонжон унақа зикна йигитлардан эмас эди. Ўртоғининг ахволини яхши тушунарди.

- Йўқолган пул тўйдан олдин садақа бўлсин, - деди Қахрамонжон. - Келинга қўйлак эса биздан тўёна бўлади, қани юр, хоҳлаган қўйлагингни оламиз. - Икки ўртоқ Тошкент магазинларини кечгача айланишиб, Гулноза таърифлаган қўйлақдан ҳам чиройлисини олишди.

Дунёда яхши одамлар ҳам бор, Қахрамонжонга қараб хаёлидан ўтказди Бахтиёр. Лекин, Гулноза нима учун бундай қилди? Ҳа, майли, тўйдан кейин билиб оламан, ўйлади ўзича. Эртага тўй. Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлади. Бугун кечқурун эса йўлга чиқишди.



**МУҲАББАТ  
ЁЛҒОНЛАРИ**

Қандай йигит эрдим мен,  
Киз танлаган, гул сайин.  
Ойга "севдим" дердим мен,  
Энди эса...дил куйган.

Кўнглимнинг армонлари-  
Муҳаббат ёлғонлари.

Не-не гулга қўл солиб,  
Топганим бўлди тикон.  
Не-не охулар қолиб,  
Ўпганим чиқди илон.

Жонимнинг хазонлари-  
Муҳаббат ёлғонлари.

Толе ёрдир аламга,  
Бахтдан нечун дарак йўқ.  
Кўнгил зордир малҳамга,  
Севмоқ учун юрак йўқ.

Қалбимнинг фиғонлари-  
Муҳаббат ёлғонлари.

Жилва қилиб қошимда,  
Тагин алдар дунёлар.  
Билмам менинг бошимда,  
Яна қандай савдолар.

Рухимнинг тугёнлари-  
Муҳаббат ёлғонлари.

Йўлга чиқдим шахд билан,  
Сахро надир, боғ надир.  
Зўр умиду аҳд билан-  
Орзуим ардоғдадир.

Дилимнинг дармонлари-  
Муҳаббат ёлғонлари...

Армонларда қолмас эдим,  
Кошки бағрим қайтиб тўлса.  
Хизматида толмас эдим  
Онажоним ҳаёт бўлса.

Дардларимни билар эди,  
Ғамимни даф қилар эди.  
Умидларим кулар эди-  
Онажоним ҳаёт бўлса.

Тож бўларди орзуимга,  
Ҳар маърака, ҳар тўйимга.  
Сигар эдим ўз уйимга-  
Онажоним ҳаёт бўлса.

Муштипарим, меҳрибоним,  
Балолардан асраб жоним,  
Бўлар эди гиргиттоним-  
Онажоним ҳаёт бўлса.

Охларимга етиб худо.  
Бобур, кўнглим кошки тўлса.  
Этар эдим жоним фидо-  
Онажоним ҳаёт бўлса...

**Ш  
е  
ъ  
р  
и  
я  
т**



**ЎП ҚЕҲИМА  
ПУРИБ**

Соғ бўлсанг-шукр қилгин,  
Дард жонга ўтмай туриб.  
Тирикни Хизр билгин-  
Жудолик етмай туриб.

Санокли ҳатто ёмғир,  
Унга ким зор. Ким безор.  
Умрингни айла қадр-  
Паймонанг битмай туриб.

Ниҳол агар ҳали хўл-  
Ҳар ёққа эгса бўлар.  
Фарзандингга огоҳ бўл-  
Уволи тутмай туриб.

Ҳаққа боғлаб кўнглингни,  
Ниятингни тоза тут.  
Меҳнатга бер кўлингни-  
Ғойиб бахт кутмай туриб.

Томчига ўхшар дунё,  
Киприк қоксанг-тўкилгай.  
Тинчликни бил тўтиё-  
Ороминг йитмай туриб.

Шоҳу гадоли улус,  
Рози юрмоқ-саодат.  
Иймон истасанг-эл туз,  
Надомат ютмай туриб.

Атрофингга назар сол,  
Остонангни авайла.  
Ватанингни асраб ол-  
Унга ўт кетмай туриб!...

**Бобур БОБОМУРОДОВ**

**(Боши 7-бетда)**

Бахтиёр уйга ошиқарди.  
Тезроқ келиб Гулнозага  
кўйлакни кўрсатса.

Ниҳоят, икки ўртоқ Қахра-  
монжоннинг машинасида  
йўлга чиқиди. Йўлда кета-  
туриб, эртанги бўладиган  
тўй ташвишларини сўхбатла-  
шиб кетишди. Бахтиёрнинг  
оғзидан Гулнозанинг исми  
тушмасди. У ҳақда мақтаниб,  
фахр билан гапираркан, Қах-  
рамонжоннинг унга ҳаваси  
келди.

- Ўртоқ, Гулноза ҳам сени  
сенчалик севадими? - деб ку-  
либ сўради.

- Ҳа, биз бир-биримизга  
соф муҳаббат билан кўнгил  
кўйганмиз, ишонаман, у  
мени дейди, мени уни...

Йўл ҳам охирлаб, Бахтиёр-  
ларнинг уйларига санокли  
километрлар қолди.

Шу вақт кутилмаганда дах-  
шатли воқеа рўй берди. Қах-  
рамонжоннинг машинасини  
қаршисидан иккита машина  
келаётган эди. Йўлдаги ма-  
шинани қувиб ўтишга улгу-  
раман деб ўйлаган машина  
ҳайдовчиси

нимни", - дея Бахтиёрни ин-  
тизорлик билан кутарди.

Ташқаридан эшитилган  
фарёд Гулнозанинг хаёлини  
бўлиди, у нима гап экан, дея  
ташқарига югурди. Ҳовлида  
Бахтиёрнинг холаси бақи-  
риб йиғларди. Йиғларди-ю,  
лекин гапира олмасди. Унинг  
кўринишига, юриш-туриши-  
га қараб фалокат юз берга-  
ни ҳаммага маълум бўлди.  
У "Бахтиёр, Бахтиёр", дерди  
холос.

Гулноза Бахтиёрларнинг  
уйига қараб югурди. Ҳовли-  
дан хотинларнинг, эркаклар-  
нинг йиғиси эшитилди. У  
қандай қилиб ҳовлига кирга-  
нини ҳам билмай қолди. Гул-  
ноза кирган, оломон устига  
суз сепилгандек бир дақиқа  
жим-жит бўлиб қолди. Гўё  
уларнинг ҳаммаси Гулноза-  
нинг олдида гуноҳкордек  
бош эгиб турарди. Бахтиёр-  
нинг онаси унинг олдига ке-  
либ бағрига босиб йиғлади.  
Гулноза довдираб, титраб  
кетди. Шундагина у Бахти-  
ёрдан аж-

**НИКОҲ КЎЙЛАГИ**

катта тез-  
ликда олдинда кетаётган  
машинани қувиб ўта бошла-  
ганди. Аммо улгурмади.  
Икки машина ёнма-ён бўлиб,  
Қахрамонжоннинг машинаси-  
га рўбарў келганди. Масофа  
оз қолган, Қахрамонжон эса,  
шошилиб рулни бош-  
қаролмай қолди. Машиналар  
тўқнашиб, фалокат юз берди.  
Шу вақтнинг ўзида Бахтиёр-  
жон бу ёруғ дунёдан кўз  
юмди. Қахрамонжон эса қат-  
тиқ тан жароҳати олди.

Бу мудҳиш воқеа Бахтиёр-  
нинг тўйи кунга ҳаммага маъ-  
лум бўлди. Не-не орзу истак-  
лар билан бошланган тўй аза-  
га айланди. Ҳеч кимнинг бу  
воқеага ишонгиси келмас,  
гўё тушдек туюларди. Аммо  
аччиқ бўлса-да, бу рўё эди.

Она фарёди бутун тўйхо-  
нани ларзага келтирди.  
Келин-куёв учун безатил-  
ган, сеплар осилган, чимил-  
диқлар илинган уйга Бахти-  
ёржоннинг жасадини олиб  
киришди.

Худди шу маҳал Гулноза-  
ларнинг уйларида ҳамма тўй  
ташвишлари билан банд,  
барчанинг кўнглида шодлик.

Гулноза эса, "Бахтиёр  
кўйлакни олиб келармикан,  
агар олиб келса, кўйлакни  
кийиб унда ялт-ялт товлана-  
ман, шунда дугоналаримни  
кўраман. Бир кўриб қўйсин  
менинг қандай келин бўлга-

ралганлигини,  
уни бошқа ҳеч қачон кўролма-  
лигини тушуниб етди. Воқеа  
қачон, қаерда, қандай содир  
бўлганлигини жуда-жуда бил-  
гиси келса-да, ҳеч ким лом-  
мим демасди.

Бахтиёрнинг онаси уйга  
кириб кетганича кўлида Бах-  
тиёрнинг Гулнозага атаб  
олиб келган никоҳ кўйлагини  
ва оқ ҳарир рўмолни олиб  
чиқди. "Бахтиёр шу  
кўйлакни олиб келаётган-  
да...", - дея фарёд чекарди  
онаизор.

Бу орада Гулнозанинг ота-  
оналари-ю, қавм-қариндош-  
лари ҳам етиб келишди. Бу  
даҳшатли воқеа ҳаммани  
довдиратиб қўйганди.

"Наҳотки, мени деб олам-  
дан кўз юмдинг, Бахтиёрим.  
Ахир мен сенга дугонала-  
римнинг гапларини алам  
килганидан айтгандим-ку.  
Наҳотки ўз бахтимга зомин  
бўлиб, сенинг бу ёруғ олам-  
дан бевақт кетишинга саба-  
бчи бўлган бўлсам. Бун-  
чалар бешафқат бўлмасанг  
тақдир. Мен ўзимдан наф-  
ратланаман"...

Уша кунни келин учун атал-  
ган сепларга кўз ёшлар ар-  
тилди, тўйга атаб боқилган  
кўчқорлар Бахтиёрнинг аза-  
сига сўйилди.

Бахтиёр билан эса сўнгги  
бор Гулнозанинг ўзга гап-  
лашганлиги бир умрга сир  
бўлиб қолди.

**Марҳабо АБДУЛЛАЕВА**

**БУ ГЎШАДА БИЗНИ СЕВИШАДИ,  
ҚАДРЛАШАДИ, СУЯШАДИ...**

**ОБУНА - 2000 ЙИЛ**



гўшада бахтимиздан кувонишади, мабодо омад биздан юз ўгиргудек бўлса ҳам бу ерда бизни қўллашади, суюшади, биздан воз кечишмайди... Лекин, лекин оилада бахтли бўлмоқнинг саодат ва садоқат қасрини бунёд этмоқнинг ўз сир-асрорлари бор, буни унутманг.

Ва яна шуни унутмангки, кадрдонингиз, суюкли дўстингиз "Оила ва жамият" Сизнинг бахтли-тахтли бўлмоғингизни чин дилдан истайди ва бу йўлда сизга ҳамқору ҳамроҳдир.

"Оила ва жамият"га обуна бўлинг, саодат ва садоқат қасрини бунёд этиш ўз кўлингизда эканлигини ўрганасиз...

Оила-муқаддас гўша... Биз бу сўзни хот-бот тақорраймиз. Ва бу фикр айни ҳақиқат эканлигини чин дилдан тан оламиз. Бу гўшада бизни тушунишади, бизни қадрлашади, бизни аяшади... Бу

**Оила ва жамият**

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуқтаси назаридан фарқ қилиши мумкин.

Кўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

**БОШИ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

Телефонлар:  
Бош муҳаррир — 133-28-20  
Котибият — 34-86-91

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
Тошкент - 700000  
Амир Темур кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.  
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.35  
Босишга топширилди - 21.15

**ХОМИЙ**  
«Матбуот тарқатувчи»  
акциядорлик жамияти

**ОБУНА ИНДЕКСИ** - {якка обуначилар учун 176  
ташкilotлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33  
Буюртма Г-0558  
37 639 нусхада чоп этилди.  
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.  
Баҳоси эркин нарҳда.  
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ.  
Набатчи — М. СОДИҚОВ.